Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 30-avgust № 107-108 (2833) dushanba

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

Юрмухаметов Сергей Шамильевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Мирзаев Мираглам Ахатович — Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Раҳимов Ўткир Раҳмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Каньязов Есемурат Султамуратович — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари

Тургунов Абдужамол Абдувахобович — Андижон вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Усманов Арислан Усманович — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Шахисламов Шамиль Шарифянович — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Алиев Александр Евгеньевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдухаликов Толибжон Бобожонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси хизматининг бошлиғи

Ахмедов Махаммат Журакулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси батальон командири

Пардаев Ойбек Мамаражабович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Раҳимов Нодир Анварович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Суванов Ўктам Ҳайдарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Айтниязов Парахат — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлар бўйича Олий суди раиси

Дзобелов Валерий Давидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлимининг катта илмий ходими

Жолдасова Татьяна Ивановна — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

Ёдгоров Холмўмин Буврабоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Мезенцева Елена Юрьевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

Мисин Владимир Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етакчи мутахассиси

Рахмонқулов Собиржон Култўраевич — Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Романов Сергей Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Навоий кон-металлургия комбинати ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Турдибоев Худойкул Тураевич — Қашқадарё вилояти прокурори

Файзиев Хайриддин Сирожиддинович — Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

(Давоми 2-бетда)

Мақсадимиз — ёшларимиз қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, юксак муваффақиятлар йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий таълим, маданият, санъат, тиббиёт муассасалари, корхоналар, уй-жойлар, равон йўллар ва кўприкларни кўрган кўз қувнайди, юракда фахр-ифтихор ҳисси ортади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ бу йўналишдаги ишларнинг кўлами янада кенгайди.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносини бориб кўрди.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтиришни таъминлаш, бошланғич ихтисослаштирилган мусиқа таълимини янада такомиллаштириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ жорий йилда лицей учун яна битта янги ўқув биноси барпо этилди, собиқ Республика мусиқа коллежининг биноси негизидаги ўқув корпуси тубдан қайта таъмирланди.

Ушбу мусиқа даргоҳи эндиликда 900 ўқувчига мўлжалланган 4 ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона ва 210 ўринли 3 ошхонага эга бўлди. Барча ўқув хоналари 64 номдаги замонавий мусиқа чолғулари ва жиҳозлари билан таъминланди. Лицей мусиқий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи 12 йиллик таълим муассасаси бўлиб, 9 йиллик мактаб ва 3 йиллик лицейдан иборат.

1-9 синфларда мусиқа йўналишида бошланғич мусиқа сабоқларини олган иқтидорли ёшлар, ушбу таълим муассасасининг ўзида ўқишни давом эттириш, мусиқа сирларини янада чуқурроқ ўрганиш ва ўз қобилиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўладилар.

Бу ерда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази мусиқа ва санъат йўналишидаги 85 мингдан ортиқ адабиёт ва ўқув қўлланмалари, электрон ахборот таълим ресурслари, интернетга уланган компютерлар билан таъминланган. Компютер синфлари, лингафон хонаси, физика, кимё ва биология лабораториялари мавжуд. Лицейда 12 йўналиш бўйича мусиқий таълим бериш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқув жараёнида фойдаланиладиган ноёб мусиқа асбоби – орган ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Юртимизда нафақат миллий мусиқачилик, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўплаб йўналишларини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Санъаткорларимиз, айниқса, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани барчамизга ғурур бахш этади.

— Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир, — деди Президентимиз. – Бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарор – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарорнинг 4-6-бандлари муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Уктам Холмирзаевич Холиков** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. **Мансур Махмуджанович Ахмеджанов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 29 август



Давр билан ҳамнафас

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қаддини ростлаб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бунга қандай эришдик, деган саволга бир сўз билан, истиқлолнинг дастлабки йилларида машҳур беш тамойилга асосланган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели ўзини оқлади, деб жавоб беришимиз мумкин. Президент Ислом Каримов касаба уюшмаси аъзолари ўртасида кенг тарғиб қилинаётган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли эканлигини кўрсатиб берган эди.

Дарҳақиқат, шундай шароитда Ўзбекистонда 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 10,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 10,9 фоизга ўсиши таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмади.

Мазкур натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Негаки, дунёнинг ривожланган мамлакатларини-да ларзага солган молиявий инқироз, шунингдек, қатор глобал муаммолар долзарб аҳамият касб этган бир вазиятда бу жуда улкан ютуқ. Тараққиётимиз замирида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, асосийси, Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати ётибди. Барча соҳалардаги ўсиш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз»дан, дунё ҳамжамиятининг ўринли эътирофларига муносиб эканлигимиздан далолатдир.

(Давоми 3-бетда)

Ishonch
2010-yil 30-avgust № 107-108 (2833)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф а р м о н и

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдирахимов Фархад Бахадирович — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

Артиков Носиржон Козимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Бердиев Асқар Холбўтаевич — Қарши шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлим бошлиғининг ўринбосари

Гулманов Абдулла Шукурллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисм катта инструктори

Достонов Жаҳонгир Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жалов Лазиз Абдурашидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Журамурадов Навруз Камолович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Зиямуҳамедов Алишер Садриддинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ибрагимов Мурод Хусанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходими

Ирданов Хабибулла Хамидуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Исоқов Ҳасан Тоҳиржанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қаршиев Абдурашид Абдуғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси секция командири

Клементьев Виктор Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Портлаш техникаси экспертиза маркази бўлинма бошлиғи

Кодиров Баҳодир Раҳимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қозақов Махмуджон Мамажанович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Қўлдашев Муҳиддинжон Абдуҳафизович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мадвалиев Хасан Орипович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

Махмудов Отабек Аъзамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ инструктори

Мирзаев Шухрат Абдурашитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Насриддинов Жамшид Абдужабборович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ мутахассиси

Нормуратов Даврон Давлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Полвонов Абдурашид Боқижонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Портловчи қурилмалар ва моддаларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш махсус отряди гуруҳ командири

Примов Ўткир Ўктамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод командири

Пўлатов Азизжон Маъруфович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Раҳмонов Отабек Қосимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод назоратчиси

Рахматов Сираджиддин Хикматович — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Рўзматов Шавкат Муродович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Саъдуллаев Отабек Қурбондурдиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм механик-ҳайдовчиси

Солиев Ҳамро Ҳосилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

Султонов Тулкинжон Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

Сўпихўжаев Мирзахўжа Бобохўжаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Турғунов Раҳмонали Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турсунов Шаҳзод Ғафурович —Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умирзақов Аброржон Миртазақулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг взвод мутахассиси

Файзиев Хусейнджон Чориевич — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патрулпост хизмати отряд командирининг ўринбосари

Ҳамраев Жамшид Муродуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг взвод мутахассиси

Ҳайитов Дилшод Маҳаммадиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шодиев Ҳайдар Шодиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдукаримов Аваз Рихсибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Акбаров Ойбек Ғуломович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

Алламуродов Абдукарим Абдувахидович — Жиззах вилояти Жиззах тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Аминов Одил Шодиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Артикбоев Аъзамжон Турдалиевич — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

Ғаппаров Баҳодиржон Алиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Граждан Лариса Петровна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпиталининг ҳамшираси

Дехқанов Баходир Акбаралиевич — Андижон вилояти прокурори

Қодиров Тўланбой Абдулҳаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Камолов Рустам Азизович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Қаҳҳоров Акмалжон Тоштемирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Керцман Елена Абрамовна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармаси лабораториясининг мудираси

Қодиров Шавкатжон Зокиржанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Мамаджанов Абдураҳим Абдурауфович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Бирлашган штаби Бош бошқармасининг бошлиғи

Маматов Алишер Ўроқович — Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Мирходжаев Ботир Мирхалилович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Мискинов Бахтиёр Каримович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи

Нормуратов Фарҳод Хўжамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Норов Амирилло Ёркулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Садиқов Онгарбай Пердебаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Саидов Темирхан Магомедович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Умаров Равшан Тельманович —Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Усмонов Бахтиёржон Баҳодирович — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон техник мактаби ўқитувчиси

Хайдарова Голиба Субхоновна — Бухоро вилояти Ғиждувон туман прокуратураси катта нозири

Ҳидоятов Ҳусниддин Миркамолович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Штапова Вера Антоновна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юнусов Бахадир Тулкунович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи

Юсупов Бахтиёр Ражабалиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдирахимов Абдирасул — Наманган вилояти Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Абдуллаева Мунира Убайдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази илмий котиби

Абдурахманов Алишер Абдурашидович — Андижон вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Атаджанов Рустам Абдуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори

Аҳмедов Азиз Акмалович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Бабамурадов Комилжан Хомидович — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Ганиев Улуғбек Одилович — Давлат божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

Дастанов Эркин Шакарович — Навоий шаҳар «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Ерназаров Полатбай Каримбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Ефремов Сергей Владимирович — Хоразм вилояти Хива тумани «Гулирайхон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Жумаева Мунира Сайфиевна — жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туман суди девонхона мудири

Жўраев Ойбек Қаландарович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

Зулунов Абдураҳимжон Абдулҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм алоқа тармоғининг радиостанция бошлиғи

Каримов Хушнуд Римбоевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Қуранов Матлаб Маҳаммадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Куртвелиева Зера Курттелиевна — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани прокуратураси катта нозири

Масудов Мухамадхон — Фарғона вилояти Данғара тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

Матмусаев Махаматжон Махмудович — Жиззах шаҳар «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Матякубов Музаффар Сапарбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Мугалова Тазагуль Калниязовна — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси девонхона мудири

Муллажанова Зухра Зияитдиновна — Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

Назаров Шухрат Абдукаримович — Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Носиров Каримжон Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси махсус қидирув-разведка гуруҳи мутахассис-инструктори

Нурдинов Адилжон Исмайлович — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Рузиева Барно Ташпулатовна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири

Саатова Гульнора Урдушевна — Жиззах вилояти прокуратураси катта нозири

Сайфудинов Низомиддин Эркинбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Сатторов Акмал Аликулович — Қашқадарё вилояти Қарши тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Сафаров Анвар Аликулович — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Дўнгарик» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Сиддиқов Отабек Мамазулунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командирининг ўринбосари

Султонов Акмалжон Сайибназарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Тажибаев Камилжан Хасанович — Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Турғунов Дониёр Даминжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бўлим бошлиғи

Турдиев Рашидхон Ражабович — Қашқадарё вилояти Нишон тумани «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Тхай Галина — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

Узақов Жафар Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

Шералиева Дильнара Маннаповна — Фарғона ҳарбий академик лицейи ўқитувчиси

Шукуров Жалол Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эранов Абдурасул Ғаппорович — фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раиси

Эргашев Музаффар Ғаниевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патрулпост хизмати милиционери

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 август

Мақсадимиз — ёшларимиз қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизда маданият ва санъат, жумладан, мусиқа ранг-баранглигини таъминлаш доимий эътиборда. Зеро, ота-боболаримиз асрлар мобайнида миллий санъатимизни тараққий эттириш билан бир қаторда, жаҳон санъатининг илғор намуналарини ижодий ўзлаштирган ва ривожлантирган. Мамлакатимизнинг мусиқий таълим даргоҳларида юртимиз композиторлари қаторида жаҳон классик композиторлари яратган, дунёдаги барча миллатлар ва халқлар севиб тинглайдиган ажиб куй ва қўшиқлар чуқур ўрганилаётгани ва мунтазам таралаётгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада юксак обрў ва эътибор топаётганида иқтидорли ёшларимизнинг хизмати каттадир. Истеъдод эгаларининг баланд парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда биргина мазкур лицей ўқувчилари Франция, Италия, Буюк Британия, Швеция, Греция, Руминия сингари кўплаб давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

— Фарзандларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган бундай улкан муваффақиятлари барчамизга фахр-ифтихор, ғурур бағишлайди, кўнглимизни кўтаради, — деди Ислом Каримов. — Зеро, бу ҳамма халқнинг ҳам, барча миллатлар фарзандларининг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Шундай пайтларда бундан 20 йиллар олдин ўзбек боласининг нуфузли халқаро танловларда иштирок этишини, барчани ҳайрон қолдириб, ҳайратга солишини тасаввур эта олармидик, деган савол хаёлимиздан ўтиши шубҳасиз. Бу ютуқлар мустақиллигимиз самараси эмасми?!

Президентимиз ёш мусиқачиларимизга ҳар доим буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилишлари, буюк халқнинг фарзанди эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда саҳнага чиқишлари лозимлигини ва бу улар эришадиган муваффақиятларнинг асосий омили бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов Тошкентдаги Турин политехника университетига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб университет фойесида «Спарк» — Асакадаги автомобил заводида 2010 йил август ойида ишлаб чиқарила бошлаган янги русумдаги замонавий енгил автомобилни кўздан кечирди. Ушбу автомобил 81 от кучига эга бўлиб, 100 километрга 5 литр бензин сарфлайди. Конструкцияси янада пишиқ материаллардан тайёрланган. У ўзининг техник тавсифларидан ташқари ички ва ташқи дизайни билан ҳам аввалги моделлардан кескин фарқ қилади.

Президентимиз Ислом Каримов «Спарк» автомобилига ўз имзосини қолдирди.



— Бизга мустақиллик шундай улкан имкониятларни яратиб берди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Мана шу автомобиллар мисолида биз эзгу ниятларимизнинг ижобатини кўрамиз. Айни пайтда биз миллий автомобил саноатимизни ривожлантиришда назарий жиҳатлар билан чекланиб қолмасдан, бу борада амалий ишларга устувор аҳамият беришимиз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қодир мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги қарорига биноан ташкил этилган ушбу олий ўқув юрти 1400 талабага мўлжалланган. Бу ерда машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, саноат ва хўжалик қурилиши, архитектура ва саноат дизайни, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факултетлари очилган.

Махсус лабораторияларда талабалар двигател конструкциялари ва технологияларини, деталларни лойиҳалаштиришни, автомобил йиғишнинг технологик жараёнларини ўрганади. Бевосита ишлаб чиқаришга оид бошқа жараёнлар билан танишади.

Технопарк ҳам талабаларнинг амалий билими, кўникма ва тажрибасини оширишга хизмат қилади. Бу ерда металл қуйиш, унга ишлов бериш, конструкция ва деталларнинг мустаҳкам ва чидамлилигини ўлчаш каби қатор амалиётлар бажарилади.

Ушбу олий ўқув юртида дарслар инглиз тилида олиб борилади. Талабаларга ўзбекистонлик ўқитувчилар билан бирга Турин политехника университетининг етакчи мутахассислари сабоқ беради.

Ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун талабалар спорт мажмуида футбол, баскетбол, волейбол, кураш, самбо, дзюдо, енгил атлетика, сузиш машқлари ва спортнинг қатор бошқа турлари билан шуғулланиш имконига эга.

Университет билан танишув асносида мамлакатимиз раҳбари инфо-киоскка эътибор қаратди. Эълонлар, дарслар жадвали, университет ҳаётига оид янгиликлар билан мана шу электрон қурилма орқали танишиш мумкин. Талабалар унинг ёрдамида кутубхонадан тегишли китобни олиш учун буюртма бериш имкониятига ҳам эга. Унинг дастури университетнинг ўзида ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир.

— Биз ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш баробарида компютер дастурлари ишлаб чиқишни янада кенгроқ ўзлаштирмоғимиз даркор, — деди Ислом Каримов.

Президентимиз университетдаги ўқув ва амалий таълим жараёнлари билан танишди, талабаларнинг билим ва тажрибасини янада ошириш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.

— Тошкентда Турин политехника университетининг очилиши эртанги кунимиз, буюк келажагимиз сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу даргоҳдан автомобилсозликнинг етук мутахассислари, айни пайтда қатор бошқа муҳим соҳаларда ўз касбининг моҳир усталари бўлган замонавий кадрлар етишиб чиқади. Ўзбекистонда замонавий олий ўқув юртлари кўп. Лекин бу даргоҳ рейтинг жиҳатидан Италияда биринчи ва Европада ўттинчи ўринда турадиган Турин политехника университети стандартлари бўйича таълим берадиган ўзига хос ягона таълим масканидир.

Мамлакатимиз раҳбари дунёнинг атиги 18 мамлакатида енгил автомобиллар учун двигателлар тайёрланишини, General Motors корпорацияси билан ҳамкорликда юртимизда барпо этилаётган мотор заводи ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишини таъкидлади.

Туриндаги университет ҳузурида Fiat, GM, Alltalia, Compaq, Ferrari, IBM, Michelin, Microsoft, Motorola, Nokia, Phillips, Pirelli, Siemens каби йирик корпорацияларнинг технопарклари мавжуд. Демак, Тошкентдаги университет талабалари уларнинг тажриба ва ишланмалари, ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат автомобилсозлик, балки саноатнинг юқори технологияли бошқа тармоқлари ва дизайн соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

Ishonch
2010-yil 30-avgust № 107-108 (2833)

ДаВр билан ҳамнафас

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўз тегмасин, мамлакатимизнинг обрўси кундан кунга юксалмоқда. Юртимиз кўплаб халқаро анжуманларга мезбонлик қилаётганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-мажлиси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўнинчи мажлиси пойтахтимизда ўтказилди. Анжуман иштирокчилари юртимиз тараққиётини юксак эътироф этганининг гувоҳи бўлдик.

Эътироф. Бу шунчаки гап эмас. Бу сармоя дегани. Корхоналар барпо этиш ва меҳнат билан бандликни таъминлаш, демакдир. Бинобарин, аҳоли ижтимоий муҳофазасининг муҳим омили меҳнат билан бандликда намоён бўлади. Ўтган йили республика бўйича 940 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, жумладан, хизмат кўрсатиш тармоғида 270 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди. Касаначиликни ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни вужудга келди.

Касаба уюшма ташкилотларининг ўзида ҳам янги иш ўринлари яратишга катта эътибор берилди. Жумладан, Навоий вилоятидаги «Олтинсой» санаторийсида 120, Бўстонлиқ туманида янгидан барпо этилаётган «Қуёшли» оромгоҳида 80, Тошкент шаҳрида ишга туширилган босмахонада 10, Самарқанддаги «Ёшлик» меҳмонхонасида 50, Фарғона вилоятидаги «Устоз» санаторийсида 23, пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийси қошида ташкил этилган маъданли сув қуйиш цехида 23 киши иш билан таъминланди.

Агар 2000 йил билан таққосласак, 2009 йили ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида барчанинг эътиборини «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш масаласига қаратиб, шундай деган эди: «Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур деб ҳисоблайман. Токи бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин». Бу гаплар бизнинг фаолиятимизга ҳам дахлдордир.

Маълумки, 2000 йил 8 апрелда бўлиб ўтган касаба уюшмаларининг III қурултойида қабул қилинган «Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳаракат дастури»да фаолиятимизнинг учта асосий йўналиши белгилаб берилган эди:

– ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда давлатга кўмаклашиш;

– меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

– меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари маънавий ва жисмоний камолотига ёрдам бериш.

Истиқлолга эришилган дастлабки йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида туб ислоҳотлар бошланди. Янгича ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиришга киришилди. Бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган мулкчиликнинг турли шакллари қарор топа бошлади. Ана шундай шароитда касаба уюшмалари бутун фаолиятини меҳнаткаш ва унинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилишга қаратди. Ушбу йўналишдаги самарали фаолият туфайли ташкилотимизнинг нуфузи ортиб, шаклан ва мазмунан янги поғонага кўтарилди.

Мустақиллик йиллари касаба уюшмалари учун изланиш, янги жамият қураётган ижтимоий кучлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, янгича иш усулларини ҳаётга татбиқ этиш даври бўлди.

Ҳар бир жамоат ташкилотининг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари ҳамда ўз уставида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш воситалари бўлади. Биз ҳам амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар доирасида ходим ва иш берувчининг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш учун деярли барча корхона ва тармоқларда жамоа шартномалари ва келишувлари тузганмиз.

Айни пайтда 14 та ҳудудий (минтақавий) келишувга амал қилинаяпти. Тармоқларда мамлакат миқёсида 80 та, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 230 та, вилоят тасарруфидаги туман ва шаҳарларда 359 та ҳудудий келишув мавжуд. Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимизда 113 мингта жамоа шартномаси тузилган ва уларда 5,3 миллион ходимнинг манфаати кафолатланган. Мазкур ҳужжатлар ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда хавфсиз меҳнат шароитини, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлиги ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи резолюцияси, узоқ муддатни кўзлаб қабул қилинган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури (IV Қурултойда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) ижросини таъминлашда қатъият билан иш олиб бормоқда. Жумладан, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, хуллас, барча ишимизни аввалги Қурултойда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб ташкил этдик.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, касаба уюшмалари Президентимиз кўрсатмалари ва ҳукуматимиз қарорларининг ижросини таъминлаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида фидойилик билан ишламоқда. Касаба уюшмалари бугунги кунда корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Юртбошимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида касаба уюшмалари амалга ошираётган ишларда ташкилотимизнинг ҳозиржавоблик фаолияти ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга уюшма маблағлари ҳисобидан 200 дан ошиқ қорамол хайрия қилинганлиги ижтимоий ҳимоянинг бир кўринишидир. Халқимизда «Юз кўр — ҳол сўр», деган мақол бор. Биз бу билан икки юз хонадонга инқироз шароитида давлатимиз юритаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг хабарчилари бўлиб бордик ва аҳоли ўртасида эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамлашга камтарона улуш қўшдик, деб ўйлайман.

Фаолиятимизда чет давлатлар касаба уюшмаларининг ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилмоқда. Бир неча расмий делегацияларимиз хорижликлар билан ўзаро тажриба алмашиб қайтди. Халқаро меҳнат ташкилотининг минтақавий бюроси ва Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси минтақавий бўлимлари билан биргаликда «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий шерикчилик», «Аёллар: меҳнат бозори ва бандлик», «Иқтисодиётнинг барча тармоқларида хавфсиз иш шароитини яратиш муаммолари» каби халқаро семинар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Меҳнат соҳасидаги имтиёз ва кафолатларни таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан изчил равишда ҳамкорлик қилмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг

«Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида Федерация кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ташкил қилинди. Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Марказий ҳамда ҳудудий бирлашмалари, туман, шаҳар кенгашлари қошида ҳам комиссиялар тузилиб, улар алоҳида дастур асосида иш олиб бормоқда.

Ҳар йили жамоа шартномалари ва келишувлари бўйича 600 мингдан зиёд аёл қўшимча таътил олади. Мактаб ёшига етмаган боласи бор 260 минг аёл учун қисқартирилган иш куни белгиланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши 2008 йилнинг октябр ойида ташкил этилган эди. Ўтган даврда бизнинг кенгаш ва Федерацияга аъзо ташкилотлар қошида ташкил этилган Ёшлар кенгашлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Юртимизда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилган. Бир қатор касаба уюшмалари бирлашмалари ва тармоқ кенгашлари аълочи, ташкилотчи ва ташаббускор талабалар учун касаба уюшмаси стипендиясини жорий этиш ҳамда муҳтож оилалар фарзандларининг контракт пулларини тўлашга кўмаклашиш амалиётидан унумли фойдаланмоқдалар. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ижросига кўмаклашиш мақсадида Федерация ишлаб чиққан тадбирлар асосида минглаб ёшлар иш билан таъминланди. Умуман, касаба уюшмалари фаолияти ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш билан бевосита боғлиқдир. Касаба уюшмалари ҳомийлигида санаторийларимизда махсус танлов асосида саралаб олинган талабалар билан қишки фаол ёшлар мактаби ташкил этилиб, унда истеъдодли, ўқиш ва жамоат ишларида етакчи ёшларимиз билим ва малакасини оширмоқда. Бу, ўз навбатида, бўлажак касаба уюшма етакчиларини тайёрлашга замин яратади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари шуни кўрсатдики, касаба уюшмасининг иши ниҳоятда серқирра ва ғоят савоблидир. Бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар касаба уюшмаларининг ҳозирги имкониятлари ниҳоятда кенглигини яна бир бор намойиш этди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрикларини ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантириб борилиши ҳам катта самара берди. Сайлов йиғилишларида ва конференцияларида билдирилган таклиф-мулоҳазаларда таъкидланганидек, етакчи, энг аввало, ўзига юклатилган ишнинг моҳиятини яхши англаб олиши керак. Шунинг учун сайловларда касаба уюшма органлари таркибини ташаббускор ёшлар билан янгилаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, бошланғич ташкилотлар етакчиларидан 40,2 фоизи, касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиларининг 54,8 фоизи, цех ташкилотлари раисларининг 50,6 фоизи янгидан сайланди. Баркамол авлод йилида ёшларни сафимизга кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилдик. Янгидан сайланган бошланғич ташкилот раисларининг 14 фоиздан зиёдини 30 ёшгача бўлганлар, 68 фоизини 30-45 ёшлилар ташкил этади. Дарҳақиқат, агар касабақўм етакчисида чуқур мушоҳада юритиш, одамлар қалбига йўл топиш қобилияти бўлмаса, ҳеч қачон яхши натижага эриша олмайди. Шуни ҳисобга олиб, ходимлар учун жон куйдирадиган, юксак фазилатга эга кишиларни касаба уюшмаси етакчиси вазифасига сайлашга алоҳида аҳамият берилди.

Биз илмий асосланган меҳнат нормаларини жорий этиш, иш ҳақини ноқонуний ушлаб қолиш ёки кечиктириб тўлаш ҳолларига барҳам беришга эришмоқдамиз. Айрим келишувларда иш берувчининг иш ҳақини мунтазам равишда кечиктириб тўлаши қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши кўрсатилган. Бу келишув тарафи бўлган касаба уюшмаларининг мавқеи ошишига ёрдам бермоқда.

Бандлик, меҳнат бозорида рақобатга киришолмайдиган кишиларни ишга жойлаштириш, тизимдаги ўзгаришлар оқибатида ишсиз қолаётган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, корхоналарда иш ўринлари аттестациясини ўтказиш, ходимлар соғлиғига салбий таъсир этувчи омилларни камайтиришда касаба уюшмалари бош-қош бўлмоқда.

Оддий киши бошига иш тушмаса, қўлига қалам олмайди. Шунинг учун фуқароларнинг мурожаати билан ишлаш доимий эътиборимизда. Ўтган йили касаба уюшмаларига 23343 та шикоят келиб тушган, уларнинг 70 фоизи мурожаат муаллифлари фойдасига ҳал бўлган. Судларга киритилган даъво аризаларининг аксарияти қаноатлантирилган. Бу қанчадан-қанча киши ишга тикланди, товон пули ундирилди дегани.

Мамлакатимиз касаба уюшмалари Давлат дастури доирасида болаларни соғломлаштиришда фаол иштирок этмоқда. 2010 йил — Баркамол авлод йилида мамлакатимиз бўйича жами 812 та, шу жумладан, 231 та стационар турдаги, 581 та мактаблар қошидаги оромгоҳлар фаолият кўрсатиб, уларда 249 минг нафар бола соғломлаштирилди. Оролбўйи ҳудудидан 3000 нафардан ошиқ бола мамлакатимизнинг баҳаво гўшаларида бепул соғломлаштирилди. Баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган кўплаб маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди. 6290 нафар талаба ҳамда ёш ходимлар мамлакатимизнинг тарихий масканлари, муқаддас қадамжолари бўйлаб касаба уюшма ҳисобидан саёҳатга чиқишди. Ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, юртга садоқат руҳини кучайтириш мақсадида ташкил этилган бу хайрли тадбир доимий равишда ўтказиб борилади.

Мустақиллик йилларида касаба уюшмалари Федерацияси оромгоҳлари замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозланди, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, санаторий-курортлар тизими жаҳон андозаларига мосланди. Жумладан, «Зомин», «Оқтош», «Абу Али ибн Сино», «Чинобод», «Қашқадарё соҳили», «Ҳонқа» санаторийлари замонавий асосда реконструкция қилинди ва кенгайтирилди. Экологик ноқулай шароитда яшовчи меҳнаткашларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Навоий вилояти Хатирчи туманида 80 ўринли «Олтинсой» санаторийси ишга туширилди. 2007 йилда барча санаторийлар рўйхатхонаси алоҳида компьютер билан таъминланди. Ёзги мавсумда дам олувчилар сони кескин кўпайганда қулайликлар яратиш мақсадида тизимдаги барча санаторийларда ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда рўйхатхона бўлимига қўшимча равишда 1 штат бирлик дастурчи-статист лавозими киритилди.

Кам таъминланган, кўп болали оилаларга, шунингдек, етим-есирлар, ногиронлар, муҳтож талаба ва ўқувчиларга, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш масалалари касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлиб қолмоқда.

Юқорида қайд этганимиздек, ходимлар ҳаётини муҳофаза қилиш, дам олдириш, соғломлаштириш биринчи галдаги вазифамиздир, аммо кейинги пайтларда уларнинг маънавий камолоти билан жиддийроқ шуғулланишга тўғри келмоқда. Айниқса, ёшларни ҳаёт тарзимизга ёт бўлган ғоялардан, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, «оммавий маданият» хуружларидан асраш жуда муҳимдир. Касаба уюшма фаоллари Ўзбекистон Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида қайд этилган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга доир ишларни ўзларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билмоқдалар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз халқ саломатлигини яхшилаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатимизда дастлаб таъсис этилган орденлардан бири «Соғлом авлод учун» ордени эканлиги ҳам бежиз эмас. Давлатимиз томонидан аҳолини соғломлаштириш, дам олдириш борасида олиб борилаётган сиёсат барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, юртбошимиз айтганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ўз ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этмоқдалар. Жорий йилда оромгоҳларда дам олдирилиб, соғломлаштирилганларнинг 50 фоиздан ортиғи кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари, 12 минг нафари эса меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчиларини ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги спорт мактабларидан ҳам иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда. Республикамиз миқёсидаги ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришаётган касаба уюшма спортчилари кўпчиликни ташкил этади. Улар олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари каби нуфузли турнирларда ғолиб ва совриндор бўлишмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти вакиллари 2006 йил декабрда Қатарда бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси хазинасини 7 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза медали билан бойитди. 2008 йили Хитойда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида касаба уюшмаларининг 17 спортчиси мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўтган йили Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида юртдошимиз, касаба уюшма спортчиси Вадим Менков олтин медалга сазовор бўлди ва Халқаро эшкак эшиш федерациясининг қарорига кўра, «Сайёранинг энг кучли эшкак эшувчиси» деб эътироф этилди. Яқинда Полшанинг Познан шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида спортчимиз Вадим Менков яна битта олтин ва бронза медалини қўлга киритди ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 августда қабул қилинган фармонига мувофиқ, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Касаба уюшма спортчиси, енгил атлетикачи Анастасия Свечникова Осиё қитъасида биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси таркибидаги спортчиларимиз 2012 йили Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиадага пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, касаба уюшмалари бундан кейин ҳам ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, жамиятимизни интеллектуал асосда янгилаш, комил инсонни ва баркамол авлодни тарбиялашга доир давлат сиёсатини амалга оширишда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг яқин кўмакчиси бўлиб қолаверади. Зеро, давлатимиз томонидан илгари сурилган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» тамойилини қарор топтириш ишида фаол қатнашиш, мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси

Ishonch
2010-yil 30-avgust № 107-108 (2833)

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши



Мамлакатимиз халқини ва йўли эзгуликка туташ таълим тизими фидойиларини энг улуғ ва энг азиз — Мустақиллик байрамининг 19 йиллиги ҳамда янги ўқув йили бошланиши билан самимий қутлайди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, она Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, соғлом авлод ва соғлом жамиятни барпо этиш йўлидаги ижтимоий фаолиятингизга омад, оилангизга файзу барака тилайди.

Маърифат аҳлининг буюк ва фаровон келажак, нурли манзиллар сари одимлари ҳамиша омадли, қутлуғ бўлсин!

Шогирдлар камоли, устозлик бахти барчангизга насиб этсин!

Истиқлол нуридан кўнглимиз чароғон, юртимиз обод, осмонимиз беғубор, тинчлигимиз барқарор бўлаверсин!

Илм чўққилари сари интилаётган ёшларга қанот бўлайлик.

Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси



Бутун ўзбек халқини энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 19 йиллиги билан қизғин табриклайди.

Қудратли давлатимиз гуллаб-яшнайверсин, ҳаётимиз фаровон, Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Бухоро вилояти вакиллиги

Келажаги порлоқ юртимиз меҳнаткашларини, шу жумладан, соҳамиз ишчи-мутахассисларини

Мустақилликнинг 19 йиллиги

билан самимий табриклайди.

Мана шу шукуҳли ва фараҳбахш дамларда барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хуш кайфият, юрт фаровонлиги йўлидаги олижаноб ишларида улкан муваффақиятлар тилайди!



«Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти раислар кенгаши

Барча юртдошларимизни, соҳа ходимларини энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлолнинг 19 йиллик тўйи билан мубораквод этади.

Юртимизни тинчлик-хотиржамлик ҳеч қачон тарк этмасин!

«НАВОИЙАЗОТ»
ОАЖ маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Жонажон Ўзбекистон халқини ҳамда соҳа ходимларини юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги билан чин кўнгилдан муборакбод этади!
Ҳаётимиз фаровон, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!
Тинчлик-осойишталигимизга, ўзаро меҳр-оқибатимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қўшработ тумани кенгаши

Барча юртдошларимизни, ўқитувчи ва мураббийларни Истиқлол байрами ҳамда Билимлар куни билан қизғин табриклайди.
Қалбларимизни жўшқинлик, бахт-саодат, эзгулик ёғдулари нурафшон этсин.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Барча ватандошлар ҳамда касбдошларни диёримиз

Мустақиллигининг 19 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.
Ҳар бир оилани қут-барака, фаровонлик тарк этмасин.
Халқимизга Ватан тараққиёти йўлидаги ишларида улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.

Табриклаймиз,

ҚУТЛАЙМИЗ

Ishonch
2010-yil 30-avgust № 107-108 (2833)

Қарши шаҳар «Сувоқава» корхонаси раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси

Бунёдкор халқимизни Истиқлолнинг 19 йиллиги билан самимий қутлайди.

Байрам шукуҳи кезиб юрган бугунги доруломон кунларда соҳа ходимларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

Қалбларимизни эзгулик, гўзаллик тарк этмасин.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг БУХОРО ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ

Барча юртдошларимиз ва соҳа ходимларини энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутлайди. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, унинг гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатаётган азиз инсонларга, уларнинг оила аъзоларига сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ тумани кенгаши



Бунёдкор халқимизни Истиқлол айёми билан чин қалбдан муборакбод этади. Юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, шодлик ва қувонч тилайди.

«GM-ЎЗБЕКИСТОН»

қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Ўзбекистон халқини ҳамда соҳа ходимларини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан самимий табриклайди. Мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда ривож, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилайди!

Андижон вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Юртдошларимиз ва соҳа ходимларини

Мустақилликнинг 19 йиллиги

билан қизғин муборакбод этади. Шундай фараҳбахш ва шукуҳли кунларда барчага бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, юртимизга тинчлик ва омонлик тилайди. Инсон учун улуғ неъмат — соғлик-саломатлик ҳеч кимни тарк этмасин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Тошкент «Иссиқлик қуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси



Барча юртдошларимиз ва соҳа ходимларини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Халқимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хуш кайфият, ишларида омад ёр бўлишини тилаб қолади.

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши



Мамлакатимиз кончилари ва металлургларини ҳамда барча Ватандошларимизни умумхалқ байрамимиз — Мустақиллик куни билан самимий табриклайди!

Сизларга бахт, мустаҳкам соғлиқ, омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Бухородаги «Иссиқ сув» шифо маскани

Барча юртдошларимизни Мустақилликнинг 19 йиллиги билан чин дилдан қутлайди. Ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хуш кайфият, ишларида омад ёр бўлишини тилаб қолади!

Агар сиз кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро вилоятининг чиройли гўшаларидан бири бўлган «Иссиқ сув» шифо масканида ўзингизнинг соғлигингизни тикламоқчи бўлсангиз, шошилинг.

Сизни ширинсухан, қўли малҳам тиббиёт ходимлари кутмоқда. Шифо маскани 30 йилдан буён Республикамиз халқига ўзининг беминнат хизматини кўрсатиб келмоқда. У ерда сиз 15-20 кун ичида кўпгина хасталиклардан фориғ бўласиз. Булар ревматизмнинг фаоллашмаган даври, гипертония I-II, ревматоидли полиартритлар, остеохондроз (баданга туз йиғилиши), радикулит, диск грижаси радикуло-неврит, асаб касалликлари, ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари, қандли диабетнинг енгил ва ўрта формаси, буйракнинг сурункали касаллиги (хроник пиелонефрит), простатит, эркаклар ва аёлларда бефарзандлик, аёлларнинг шамоллаш касалликлари, ўпканинг сурункали носпецефик касалликлари (сурункали бронхит, пневмония), болалардаги барча сурункали хасталиклар, шу жумладан, болалар хореяси, болалар церебрал фалажи, сийдикни тутолмаслик (ночной недержание мочи) каби хасталикларни шифобахш минерал сув, айланма душ, сув остида уқалаш, сув остида умуртқа поғоналарини тортиш, ичакларни минерал сув билан тозалаш (кишечное орошение), ўт қопини ювиш, парафин-озекерит, балчиқ, ҳар хил нурлар, электр токлари, уқалаш, жисмоний тарбия билан даволайди. Шифобахш сув 1200 метр чуқурликдан 52 даража иссиқликда отилиб чиқмоқда. Бу шифо сувдан ичганларда ошқозон-ичак касалликларидан бир ҳафта ичида ҳеч қандай аломат қолмайди. Сийдик йўлларидаги кичик тошларни суриб чиқариш хусусиятига эга.

Даволанишни хоҳласангиз Бухоро тумани Юрунболо ҚФЙ (собиқ Ф.Аълоев номидаги жамоа хўжалиги) ҳудудида жойлашган «Иссиқ сув» шифо масканига мурожаат қилинг.

Даволаниш учун ҳисоб-китоб сиз хоҳлаган усулда амалга оширилади.

Ташкилот ва фермер хўжаликлари билан йил давомида шартнома асосида ишлаш имкониятига эгамиз. Шифохона йил давомида узлуксиз хизмат кўрсатади.

Тел: 8-365 54-55-120;
+99895 600-24-04.
Манзилимиз: Бухоро тумани Юрунболо ҚФЙ.
Бухоро шаҳридан 8 км.
186-сонли йўналиш таксида бориш мумкин.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни қўшалоқ байрам — республикамиз Мустақиллигининг 19 йиллиги ҳамда «Билимлар куни» билан чин кўнгилдан табриклаб қолади! Аллоҳ назари тушган табаррук заминимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Ҳар бир оиладан тинчлик, осойишталик, қут-барака аримасин!

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch

2010-yil 30-avgust № 107-108 (2833)

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Исканжадаги ҳақиқат барибир юзага чиқади

Музейдан вужудимни базўр кўтарганча чиқаман. Йўқ, бу ер музей эмас. Унда ҳаммаси ростакамига содир бўлмоқда. Нега тулум деб ўйладим ҳалиги кишини? Ахир, унинг оёқ-қўлидагилар ҳақиқий кишан эди-ку! Кўзларида қотиб қолгани — ҳақиқат, балки ёрдам сўраётгандир ёки нимадир демоқчими? Ҳалиги танбур-чи? Нега унинг овозидан қулоқларим битай деди? Ахир, у деворда осиғлиқ эди шекилли. Балки аламларга тўлган кўнглини бўшатмоқ учун уни қўлига олган заифанинг бармоқлари ҳануз нозик торлар устида ҳаракатланаётгандир...

Ҳаловатми, хотиржамликми истаб, анҳор қирғоғига бораман. Қизиқ, сал нарироқда шовқин солиб оқаётган Бўзсув бу ерда сокинлашаркан. Сокинлиги ром этиб, диққат билан термуламан. Йўғ-ўқ, унинг юзасигина тинчдек кўринаркан холос, аслида ўзи гувоҳ бўлган даҳшатлардан, аламлардан бўзлаб-бўзлаб оқаяпти у. Фақат уни тинглаш керак. Ҳеч бўлмаганда хотиржамлик қадри, осудалик баҳоси нима эканлигини билмоқ учун ҳам... Яна қалбингизнинг кўзларини мудроқ босмаслиги учун.

Даҳшат

Туркистонда зўрлик билан қайта ўрнатилган мустамлакачи тузум биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига сон-саноқсиз қирғину даҳшатли ва аламли кулфатлар солди. Бу даҳшатли режимни ўлка халқи қабул қилмади. Улар истиқлол, эрк ва миллий озодлик учун кураш олиб борди.

Жадидчиликни, Туркистон мухториятини бостириш баҳонасида ер-сув ислоҳотини ўтказиш, коллективлаштириш даврида қатағон сиёсати яна ҳам кенг миқёсда қўлланилди. Зўравонлик асосига қурилган тузум темир исканжадан бўлак нарса эмасди. У одамларни бўйсундириш учун халқ қалбига қўрқув, маслаксизлик, манқуртлик уруғларини жойлашга қаттиқ аҳд қилганди. Бу йўлда зулм тиғидан ўтаётган юз минглаб одамлар, уларнинг ортидан бўзлаб қолаётган норасидалар, аёллар ва қарияларнинг тақдири ўйлаб ўтиришга ҳам арзимайдиган масала деб қаралди. «Ўнглар», «Миллий иттиҳодчилар», «Ўн саккизчилар», «Бадриддиновчилар», «Қосимовчилар», «Иноғомовчилик»ка қарши кураш ниқоби остида миллат гуллари аёвсиз пайҳон этилди. Халқнинг асл фарзандлари номаълум қатлгоҳларда йўқ қилинди ёхуд Сибир, Узоқ Шимол, Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Қозоғистон, Узоқ Шарқ, Кавказ ва Волгабўйи худудларига бадарға қилинди. Қатағоннинг энг юқори нуқтаси 1937-38 йиллар бўлди. Уруш даврида ҳам «катта террор» давом этди. Кейинчалик «Пахта иши», «Ўзбек иши» деб номланган сохта «сиёсат» туфайли халқ яна азоб комига тортилди.

Айни шу мавзуга тўхталиб, Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади, ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди. Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя».

Инсоннинг қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида оддий деҳқондан тортиб, сиёсат, илм-фан, санъат, адабиёт вакиллари билан бир қаторда касаба уюшма фаолларигача бор эди.

«Шафқатсизларча қатъият билан...»

Мустабид тузум даврида унинг ҳаёти, ижодини ўрганиш мавҳумлик пардасига ўралганча қолиб кетган эди. Ҳақиқатнинг асл қиёфасини очишга тузум йўл бермасди. Гарчи айримлар уни «қизил»лар руҳида ижод қилган» дея таърифласа-да, сўнгроқ — ёзганларининг тагзаминига яширинган маъно ўз қувватини кўрсата бошлагач — барибир миллатнинг энг саралари каби аёвсизлик қурбонига айланди.

Чунки Совет давлати қарор топган илк куниданоқ қонга, жабр-зулмга ташналигини намоён этган; қўл остидагиларнинг ҳамжиҳат бўлмаслиги, бирлашиб кетмаслиги учун ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмади. Онги, маънавияти етук кишиларни йўқотишга, оиласи билан қириб юборишга интиларди. Дунёдаги ҳеч бир давлат бу тузум каби ўз фуқароларидан ашаддий душман излаб, уларни қириш, қамаш ва сургун азоб-уқубатларига дучор қилишни давлат сиёсати даражасига кўтармаган эди. Россия махфий архивларида сақланаётган, халқдан сир тутилган сирларни ошкор қилган машҳур тарихчи олим Дмитрий Волкоченовнинг 1992 йилнинг 23 апрелида «Шафқатсизларча қатъият билан...» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда Ленин (етмиш йилдан ортиқ вақт давомида энг инсонпарвар, тинчликсевар сифатида улуғланган «доҳий»)нинг қатағонликка йўл очиб берган ҳужжатлари келтирилади. Мазкур ҳужжатлар орасида Пенза коммунистларига ёзилган мактуб ҳам бор эди: «Ўртоқлар! Беш бўлисдаги қулакларнинг исёнини шафқатсизларча бостирмоқ даркор. Бутун революциянинг манфаати шуни талаб этади, зеро эндиликда ҳамма ерда қулакларга қарши «сўнгги кураш» бормоқда — ибрат кўрсатмоқ лозим... Ҳаммага аён бўлган қулаклар, бойлар, золимларнинг юзтачасини осмоқ (халойиқ кўрсин учун албатта осиш) керак... Шундай қилмоқ керакки, юз чақирим теварак атрофдаги халойиқ кўрсин, қалтирасин... Сизнинг Ленин».

Революция манфаати талаб этгани учун Тўлаган Хўжамёров (Тавалло) ҳам қатағон қурбонига айланди.

Унинг меҳнат дафтарчасидаги битиклардан маълум бўладики, 1924 йилдан касаба уюшмасида фаолият бошлайди. Ташсоюз бошқармаси аъзоси, 1925-26 йилларда эса Тошкент саноат бирлашмаси Кустпромсоюз (Ҳунармандчилик саноати касаба уюшмаси) раиси бўлиб ишлайди. Бу йиллар орасида саноатнинг кириб келиши туфайли касодга учраган ҳунармандларнинг тақдири билан «керагидан ортиқ» қизиқиб юборади. Бу эса юқоридагиларнинг назаридан четда қолиши мумкин эмасди. Шундай қилиб, 1927 йилда молиявий камомад айби билан 5 йилга қамалади. Бир йилдан сўнг, яъни 1928 йилда айби йўқлиги исботланиб, озод этилади. Энди касаба уюшма тизимига қайтолмайди.

Бироқ қайси соҳада бўлмасин, ўз миллатини дунёнинг тараққий этган халқлари қаторида кўришни хоҳларди. Бунинг учун миллатдошларини керакли «нимарсалар»га эга бўлишга чорлади. Миллат бошидаги кўланкалар илмга рағбатсизлик, эзгу мақсадлар йўлида бирлашолмаслик туфайли эканини шоир жуда яхши англаган эди. Ўзга миллатлар тараққий калитини илмда деб билган чоғда «бизлар худойи ош учун бўлдуқ эшикларда гадо» дейди у афсус билан:

Йўлиқди миллатимиз тўда
ваҳший рўдаполарга,
Асар йўқ номусиндин бир
ажойиб беҳаёларга,
Дучор ўлду недандур, билмадим,
мундоғ балоларга,
Шифо вер, эй Худо, сен ушбу
дарди бедаволарга,
Юраклар боғлади қон бўйла
армон ила диққатдан,

— дея бонг урганда, кўнгли зада шоир қанчалик ҳақ эди.

У умри давомида озодликка, ҳурликка эришмоқ мумкин деб ўйлаган, бунинг роҳатини албатта кўрамиз деб умид қилганди. Шунинг учун ҳам:

Бахт агар ёр ўлса, иқболинг
мадад қилса сана,
Бир куни дерсан ўзинг мундоқча
кунлар бор экан,

— дея куйлаб ўтди...

1937 йилнинг 19 октябрида фидойи, миллатпарвар шоирнинг тақдири Апресян, Яковлев, Сегизбоевдан иборат «учлик» комиссиясида ҳал этилди. Аксилинқилобий, миллатчилик фаолияти учун 10 йилга меҳнат тузатув лагерига сургун қилинади. Бироқ у ердаги азобларга чидай олмаган Тавалло бир йил ўтар-ўтмас ҳаётдан кўз юмади. Шу тариқа яна бир «халқ душмани» 55 ёшида йўқ қилинди.

Улар мангу тирикдир!

Ҳуррият насими эсган илк даврларданоқ Юртбошимиз асоссиз тарзда қатағон қилинган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни биринчи галдаги вазифа деб билди.

Бу борада Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги фармойиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша йили 22 июлда эса Вазирлар Маҳкамаси «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватанпарварларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини шакллантириш мақсадида қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. Қарорга асосан Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуи барпо этилди. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди ва у самарали фаолият кўрсата бошлади.

2001 йил 1 майда эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонга мувофиқ 31 август «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» қилиб белгиланди. Шундан бери ҳар йили мазкур сана тонгида юртбошимиз бошчилигида «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси зиёрат қилиниб, жабр-зулм қурбони бўлган аждодларимиз руҳи шод этилиб, элга ош берилади.

Энг муҳими, бу анъана миллий қадриятларимиз сафидан муқим ўрин олганидир. Бир вақтлар қатағон қурбонлари отилган мазкур қатлгоҳ обод ва озод кунларда зиёратгоҳ масканга айлантирилгани бу борадаги хайрли ишларнинг ягонаси эмаслиги кўнгилга таскин беради.

Зеро, «Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз».

* * *

Асов отдек пишқириб оқаётган Бўзсув яна сокинлашади. Шу жойда умрига якун ясалган миллатпарварлар каби у ҳам туғёнлари, жилов билмас тўлқинларини бир муддат қаърига яшириб туради-да, яна янги оқимлар учун ўзида куч тўплайди. Қатағон этилган аждодларимиз ҳақиқати ҳам мустабид тузум даврида тарих сирига айланган бўлса-да, истиқлол шарофати билан замонлар оша яна янги тўлқинларга куч бермоқда. Уларнинг ибрати бизни миллатни севишга, озодликни асрашга, энг муҳими, халқнинг қалби бўлишга ҳар он ундаётгандек.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Бугуннинг гапи

Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм. Инсонлар кундалик турмушда ҳаётий зарурият туфайли деярли ҳар куни савдо-сотиқ билан шуғулланади. Кимдир сотади, яна бошқаси эса харид қилади. Бу муомалада сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқи ва бурчлари борлигини унутмаслигимиз лозим. Қуръони Каримда: «Эй мўминлар, моллаpингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар билан емангиз. Балки ўзаро розилик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб қилингиз», — дейилади (Нисо, 29).

Ҳалол савдо барака келтиради

Ислом дини таълимотига кўра, ўз молини сотаётган одам, аввало, унинг айбини харидорга айтиб сотмоғи лозим. Агар тарози ёки ўлчов билан сотаётган бўлса, ўлчовга хиёнат қилмаслиги керак. Олувчи ҳам ўлчовдан кўпроқ қилиб олиши ёки тарозидан оғирроқ қилиб беришини талаб қилиши мумкин эмас.

Машҳур муҳаддис имоми Муслим (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилган ҳадиси шарифда шундай дейилади: «Кунлардан бир кун пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бозорда буғдой сотаётган кишининг олдида тўхтаб, қўлларини буғдой уюмининг ичига тиқиб кўрдилар. Шунда қўллари нам бўлиб чиқди. Сотувчига қараб:

— Бу нима? — дедилар.

— Ёмғир теккан эди, ё Расулуллоҳ! — деб баҳона қилган бўлди сотувчи.

Пайғамбаримиз айтдиларки:

— Ёмғир теккан бўлса, нега уни ташқарисига чиқариб қўймай, ичига қўйдинг? Ахир одамлар молингни яхши-ёмонлигини билиб, ундан кейин харид қилсинлар-да. Кимки бизни алдаса, у биздан эмас, яъни мусулмонлардан эмас, деб айтдилар».

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, бозорларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, ободлашди. Аксарияти миллий шарқона услубда қайта қурилди. Уларда савдо-сотиқ учун барча имконият ва қулайликлар муҳайё этилган. Бироқ баъзи сотувчиларнинг харидор ҳақидан, ўлчов ва тарозидан уриб қолаётганлиги кишини ранжитади.

Маълумки, муборак Рамазони шариф кунларида барча кишилар эзгу ишларни қилиш, кўплаб савоб ва дуо олиш илинжида бўладилар. Шу жумладан, рўзадорларга хизмат қилаётган тижоратчи ва бозорчилар ҳам. Лекин кўпинча Рамазон ойи бошланиши билан нархларнинг сунъий равишда кўтарилиши кўнгилни хира қилади. Ахир, Аллоҳ ризоси учун бу муборак кунларда сотувчилар молини арзонлаштириши лозим-ку!

Пайғамбаримиз расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир саҳоба келиб, менга жаннатга кирадиган йўлни ўргатинг, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси ерда, қайси ҳолатда бўлсанг ҳам Аллоҳдан қўрқиб иш қил!» дедилар. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай баён қилади: «Вайл (дўзахнинг номи) бўлсин, ўлчовдан уриб қолувчиларга, улар шундай кишиларки, одамлардан ўлчаб ва тортиб олганда тўлиқ ўлчаб ҳамда тортиб оладилар ва одамларга ўлчаб ва тортиб берганда камайтириб берадилар. Улар ўлгандан сўнг қайта тирилишларини билмайдиларми? Улуғ бир кунда, инсонлар Раббиси ҳузурида тик турадилар» (Мутаффифун, 6).

Демак, охиратни ўйлаган, қиёматдан қўрққан киши тарозидан ва ўлчовдан уриб қолмайди.

Динимиз таълимотида таъкидланганидек, савдолашиш вақтида сотувчи ҳам, олувчи ҳам фақат ўзининг моддий манфаатини кўзламай, балки бир-бирига иложи борича ён босмоғи лозим. Яъни, сотаётган киши харидорга имкон қадар қўшиб бермоғи, харидор эса иложи борича сотувчига қолдирмоғи савдо баракасини оширади.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

Аср вабоси

Заҳри қотил йўқ қилинади

Гиёҳванд моддаларга «аср вабоси» сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Чунки кўплаб ёшларни ўз домига тортаётган заҳри қотил иқтисодий зарар келтирибгина қолмай, қанчадан-қанча ёш умрларни хазон қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, республикамиз ҳукумати томонидан мазкур иллат билан курашиш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Бу ишни амалга оширишда Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмиталари қўлни қўлга бериб фаолият кўрсатишяпти. Яқинда қўлга туширилган 710,7 кг. гиёҳванд модда Сергели мавзесидаги корхоналардан бирида йўқ қилинди. Тадбирда БМТ вакиллари, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

— Ҳақиқатан ҳам Афғонистонда кўплаб гиёҳванд моддалар етиштирилаётганлиги барча минтақаларда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги вакили Масуд Каримипур. — Гиёҳванд моддалар Ўзбекистонга асосан Тожикистон, Қирғизистон орқали кириб келмоқда. Бунга чек қўйиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг бу борада алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтган бўлардим. Фактларга мурожаат этайлик. Республикада дастлаб 1994 йилнинг май ойида қўлга туширилган 14 тонна наркотик моддалар йўқ қилинганди. Шу кунга келиб бу рақам 46 тонна 836 килограммни ташкил этди. Шу ўринда республика раҳбарининг Афғонистондаги сиёсий вазиятни мўътадиллаштириш тўғрисидаги чақириқлари ҳам ғоят таҳсинга сазовор.

Энг ачинарлиси, заҳри қотилни, ўз фуқароларимиз ҳам чегарадан олиб ўтишга ҳаракат қилишяпти.

Масалан, жорий йилнинг 25-27 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган махсус операция вақтида 6 кишидан иборат жиноят гуруҳи фаолияти фош қилинди. Уларнинг 2 нафари Тожикистон Республикасидан бўлиб, улардан 3 кг. героин ҳамда 9 кг. 255 гр. гашиш моддаси мусодара қилинди.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидан бўлган К.Д. исмли ногирондан ҳам 135 гр.героин чиқди. У гиёҳванд моддани протези ичига яширган экан.

Ушбу иллат ёшларимизга, яъни келажагимизга жиддий хавф солаётган экан, у билан муросасиз кураш олиб боришда ҳар бир фуқаро ўзини масъул деб билиши керак.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмиталари раислари кенгаши жамоаси «ЎЗАВТОСАНОАТ МАХСУСЮКТРАНС» унитар корхонаси директори Улуғбек Холдибековга волидаи муҳтарамаси **ГУЛЧЕҲРА** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Toshev
Navbatchi: Sh. Abdusamadov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -03.00

Буюртма Г — 751

11531 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5